



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 19 февраль, №41 (3153)

Чоршанба

Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг ҚАРОРИ

2002 йилда республикани ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этдики, 2002 йилда иқтисодий ислохотларни эркинлаштириш, чуқурлаштириш, иқтисодийни барқарор ва мутаносиб ўстиришни таъминлаш йўли изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилди. Натижанда:

кўп укладли иқтисодиёт фаол шакллантирилмоқда, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини кенгайтириш, хусусий сектор улушини кўпайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди;

ялли ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 104,2 фоизни, саноатда 108,5 фоизни, қишлоқ хўжалигида 106,1 фоизни, чакана товар айланмаси 101,7 фоизни ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 108,3 фоизни ташкил қилди. Аҳолининг ўртача жон бошига даромадлари 12,6 фоизга ўсди. Ташқи савдода 276,4 млн АҚШ долларига миқдорда ижобий сальдога эришилди;

қатъий пул-кредит сиёсати ўтказилиши ҳисобига инфляциянинг ўртача ойлик ўсиш суръати 1,6 фоиз даражасига қамалди, пул массасининг ўсиш суръатлари пасайди, давлат бюджети ялли ички маҳсулотга нисбатан 0,8 фоиз миқдорда тақчиллик билан ижро этилди;

иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқларига инвестиция жалб этиш сиёсати изчиллик билан ўтказилмоқда, юқори технологияларга асосланган ва рақобатбардори маҳсулот чиқарувчи ишлаб чиқаришлар ишга туширилди;

иқтисодий ночор, зарар

кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш, таркибий ўзгариш ва тугатиш чора-тадбирлари таъминланмоқда. 304 корхона зарар кўриб ишлаш ҳолатидан чиқарилди, 154 корхона бўйича турли банкротлик тартиботлари амалга оширилди;

давлат ва назорат органларининг корхоналарнинг хўжалик фаолиятига аралашishi қамалмоқда; корхоналарнинг биржадан ташқари валюта бозорига кириб бориши анча эркинлаштирилди, юридик шахслар учун хорижий валютани конвертациялаш ва сотиб олиш тартиби бирмунча соддалаштирилди.

Шу билан бирга, иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада ислохотлар йўлида тўсиқ бўлаётган ҳал қилинмаган масалалар ва муаммолар мавжудлигига қўлмоқда.

Иқтисодиётнинг кўпгина тармоқлари ва соҳаларида — қишлоқ хўжалигида, капитал қурилишида, коммунал хизмат кўрсатишда ва умуман, иқтисодиётда иқтисодий ислохотлар пала-партишлик билан амалга оширилмоқда, ҳали мантқий якунига етказилмаган, бу эса амалда кўриляётган чора-тадбирлар самарасини пасайтирмоқда.

Хусусийлаштириш кўп ҳолларда расмиятчилик билан амалга оширилмоқда. Корпоратив бошқариш принциплари ривож этилмапти. Ушунга ва компаниялар корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ҳамон аралашмоқда, турлича тартибга солиш ишларини давом эттиришмоқда.

Кўпгина корхоналар бозор шароитларига ва талабларига ниҳоятда сусхташлик

билан мослашмоқда. Паст сифатли, талаб катта бўлмаган маҳсулотлар ишлаб чиқариш давом этмоқда, бир қанча тармоқларда паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналар улуши юқориликча қолмоқда.

Ички бозорни сифатли, энг аввало, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари билан тўлдириш ниҳоятда қониқарсиз таъминланмоқда, улгуржи ва чакана савдо тизими сусхташлик этилган, товарларнинг республика бозорларига ноқонуний, контрабанда йўли билан кириб келиши ҳолларига барҳам берилмаган.


2. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари минтақаларда, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида иқтисодий ислохотлар якунларини таъминлаш кўриб чиқсинлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов маърузасида кўйилган вазифаларни рўйбга чиқариш юзасидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқишлигини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов маърузасида баён қилинган талаблардан келиб чиққан ҳолда қуйилган ҳал этилиши учун 2003 йилда савий-ҳаракатлар ва ресурслар жамланганидан, иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

(Давоми 2-бетда).



Газ таъминотида узилиш бўлмайди



СУРАТЛАРДА: оператор Гулсара Қосимова; шўба корхонасида иш қизғин.

«Самарқанд газ таъминоти» шўба корхонаси жамоаси вилоят аҳлига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Утган йили улар хонадонлар ва ташкилотларга 2 миллион куб метр табиий газ етказиб бердилар. Бундан ташқари, 8267 та квартира газлаштирилди, 34 километр масофага турли диаметрага газ қувурлари тортилди, газ ҳисоблагич мосламалари ўрнатиш масаласида ҳам яхши натижаларга эришилди.

Шўба корхона аҳли бу йил ҳам аниқ режа асосида иш юритмоқда. Демак, аҳолини газ билан таъминлашда узилиш бўлмайди.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (Ў.А) олган суратлар.

Ҳайъат йиғилиши — талабалар уюда

Кеча Тошкент давлат шарқшунослик институтининг талабалар уюда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида

олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги С.Ғуломов ба- талфат тўхтади.

Кенгайтирилган йиғилиш Тошкент давлат шарқшунослик институтининг талабалар уюда ўтказилиши беҳиз эмас. Мазкур маскан институт раҳбария- тининг савий-ҳаракати ту- файли замонавий тарзда таъмирланиб, талабаларга

тухфа этилди. Муҳташам бинонинг биринчи қаватида жойлашган компьютер синфи замонавий ускуна- лар билан жиҳозланган ҳамда «Интернет» — бутун- жаҳон ахборот тармоғига уланган.

Талабалар уюда тибби- ёт пункти, маънавият ва маърифат хонаси, муъжаз кутубхона мавжуд.

Йиғилишда, шунингдек, олий таълим муассасалари кафедраларининг илмий фаолияти таҳлил этилди.

М.ЮСУПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ийд ал-Алҳо байрами муносабати билан БМТнинг озиқ-овқат ташкилоти ҳамда ўз номидан Сиз, Жа- ноби Олийларига бахт-саодат, муваффақият ва энг эзгу тилакларини йўллашга ижозат бергайсиз.

Аллоҳ таолодан Сизга сиҳат-саломатлик, мамла- катингиз халқига тинчлик ва тараққиёт тилайман. Айёмингиз муборак бўлсин!

Жак ДИУФ,
БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ
хўжалиги ташкилоти Бош директори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Аллоҳ Сизни ўз паноҳида асрасин! Муборак Ийд ал-Алҳо муносабати билан Сиз, Жа- ноби Олийларига самимий табрик ва эзгу тилаклар- имни йўллаш менга мамнуният бахш этмоқда.

Қодир Аллоҳдан Сизга сиҳат-саломатлик, дусти Ўзбекистон халқига равақ ва фаровонлик, ислом умматига эса хайр-барокат ато этишини сўрайман.

Айёмингиз муборак бўлсин!

Муҳаммад бин Халифа Ол МАКТУМ,
Дубай Амирлиги Ер ва қўчмас мулк вазири.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Атроф- муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш маса- лалари қўмитаси йиғи- лиши бўлиб ўтди.

Маълумки, бундан икки йил илгари «Табиатни муҳофаза қилиш тўғри- сида»ги Қонуннинг табиатни муҳофаза қилишни таъминлаш иқтисодий механизмини амалга оширишга доир қисмининг Фарғона вилоятидаги ижроси ҳақида Қўмита қарор қабул қилган эди. Ушбу йиғилишда ана шу қарорнинг бажарилиши муҳокама этилди.

Олий Мажлисида



Ижро изчиллиги йўлида

Бу ҳақда сўз юритилар- кан, юқорида тилга олин- ган Қонуннинг талаблар- и бўйича Қўмита солиқ идоралари билан бирга- ликда атроф-муҳитни му- хофаза қилиш тадбирлар- ини молиялаштиришни такомиллаштириш юзаси- дан муайян ишларни амалга оширгани айтилди. Натижанда кейинги икки йил ичида Табиат- ни муҳофаза қилиш жам- гармасига қарийб 38 мил- лион сўм тушди. Бу маб- лағ ана шу эзгу ишга йўналтирилди. Жумладан, атмосферага ифлосланти- рувчи моддаларни чиқа- риш ҳажми 2001 йилда 72 минг тоннани, утган йили 47 минг тоннани ташкил этди.

Шу билан бирга, бу бо- рада йўл қўйилган баъзи камчилик ва муаммолар ҳам тилга олинди, улар- нинг ечимига оид мудо-

ҳазалар билдирилди.

Фарғона — йирик са- ноат корхоналари жой- лашган вилоят. Улардан ажралаётган чиқиндилар, ер ости сув заҳиралари, ичимлик сувининг қат- тиклик даражаси қамай- маётганлиги, маиший чи- қиндиларни қайта иш- лашнинг сустлиги, транс- порт воситаларидан чи- қаётган заҳарли газлар миқдорининг ортаётгани таъкидланди. Уларнинг иқтисодий ечимини из- лашда вилоят мутасад- дилари учун қулай ва маъқул йўл — атроф-му- ҳит ҳимояси билан бол- лиқ халқроқ лойиҳаларда иштирок этиш эканлиги таъкидланди.

Кўриб чиқилган маса- ла юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Мамлакат
НОРМУРОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон: «ЭКСПО- 2005»га ҳозирлик

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 2005 йилнинг 25 мартдан 25 сентяб- рига қадар Япониянинг Аичи вилоятидаги Сето, Нагакуте ва Тайота шаҳарларида бўлиб ўта- диган «ЭКСПО-2005» жаҳон кўргазмасида Ўзбекистоннинг иштирок этиши таъкидланган тақ- димот маросими бўлиб ўтди.

Табрида сўзга чиққан Ўзе- бкистон Республикасининг Бош вазири ўринбосари, таъқиқ иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э. Фаниев, Япониянинг мамлакатимиздаги Факултетида ва Мухтор элчиси Акио Канато ва бошқалар ушбу кўргазманинг бутун жаҳон учун муҳим аҳамия- т касб этишини таъкидладилар. Ҳар беш йилда ўтказила- диган ушбу тадбир саноат ин- қилобининг сўнгги ютуқларини ҳар тарафлама намойиш этишга имкон беради. Ўзбеки- стоннинг жаҳон миқёсидаги бун- дай нуфузли кўргазмаларда иш- тирок этиши унинг иқтисодиё- ти юксак даражада тараққий то- паётганидан далолатдир.

Қарийб 15 миллион, шу жумладан, бир миллиондан зиёд хорижлик томошабин иштирок этиши кўтилётган ушбу кўргазма Аичидаги 173 гектар майдонда ўтказилиб, унда атроф-муҳит, энергетика ва табиий заҳиралар, аҳоли- шунослик, ахборот технология- лари ва биология фанида эришган сўнгги ютуқларини на- мойиш этишга имкон яратди.

Мажуда ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жойлардан хабарлар

«Афрўз-мармар» корхонаси ҳақида эшитганмисиз? Бухорода ишга туширилган ва Италия технологиясига асосланган мазкур корхонанинг Низом жамғармаси 643 минг евро қийматига тенг. Бу ерда асосан полга ётқизиладиган на-

Иккиламчи хонашў ҳисобига

қилинган таъбирланаяпти. Хонашў масаласида тақ- чиллик сезилётгани йўқ, Сабани — мармар заводи чиқин- дилари жамоанинг мушкуллини осон қилмоқда.

Энг муҳими, ички бозордан муносаб ўрни эгаллаш учун «Афрўз-мармар»да барча имкониятлар мавжуд. Шу бонс унинг эшигини қоқиб келётганлар сон тобора кўпаймоқ- да. Корхона йилга 90 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

— Бу қуввати ўзлаштириш учун кўп вақт талаб қилин- майди, — дейди корхона раҳбари Шерзод Болтаев. — Чун- ки италиялик шеркалардан кўнглимиз тўқ. Келажакда бе- захлик қилинган ишлаб чиқаришни ҳам кўзда тутаямиз. Энг муҳими, янги корхона очилгач, 35 киши доимий иш ўрнига эга бўлади.

Н.ТОШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



...Берарда чиқар
ЖОНИМ

Газетамизнинг шу йил 10 январь сонида «Берарда чи- қар жоним» сарлавҳали ма- қола чоп этилганди. Унда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компа- ниясига қарашли баъзи кор- хоналарда иш ҳақи ўз вақ- тида берилмаётганлиги, де- биторлик ва кредиторлик

«Халқ сўзи» назоратида

Тўлов интизоми мустаҳкамланади

қарзлари миқдорини қамай- тириш юзасидан зарурий чоралар кўрилмаётганлиги танқид қилинган эди.

Тахририят яқинда маз- кур масала юзасидан компа- ния бошқаруви раисининг ўринбосари Ф. Саг- дуллаевдан расмий жавоб олди. Унда таъкидлангани-

ча, мақолада кўрсатилган камчиликлар компания- нинг шу йил 24 январь- кун бўлиб ўтган бошқа- рув мажлисида муҳокама қилинган ва тўлов интизо- минини мустаҳкамлашга доир бир қатор чора-тадбирлар белгиланган.

2003 йил 10 январь ҳола-

тига кўра, «Ўзбекистон те- мир йўллари» давлат ак- сиядорлик компанияси та- сарруфидоги корхона ва ташкилотларда иш ҳақини тўлаш бўйича муддати ўтган қўрсатиш тўхтатилган. Ма- қолада ёритилган ойллик иш ҳақларини тўлаш ҳамда де- биторлик ва кредиторлик қарзларини тугатиш маса- лалари компания фаоли- ятида энг устувор йўна- лишлардан деб белгиланди.

Телефон орқали жаҳонга

Маълумки, юртимизда бир неча минглаб хорижлик фу- қаролар истиқомат қилади. Шунингдек, юрдошларимиз ҳам қатор хорижий давлат- ларда фаолият олиб бориша- ти. Бу эса халқроқ сўзла- шувга бўлган талабни қўн- дунга оширади. Бу иш билан асосан «Ўзбектелеком» акци- ядорлик компанияси шуғул- ланиб келаятган эди. Энди- ликда Тошкент телеграф-те- лефон станциясида халқроқ сўзлашув шохбачиси ва Ин- тернет тармоғи очилди.

«Туркистон-пресс».

Алло, Сизни Давлат мулк қўмитаси раиси эшитмади!

Хурматли газетхонлар!

• Хусусийлаштирилган корхоналарга кўпроқ иқтисодий эркилик бериш учун нималар талаб қилинади?
• Акциядорлик жамиятларига айлантирилган корхоналарда бошқарув ишида акция эгасининг ўрни қандай бўлиши керак?
• Хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқаришга оид қонулар ҳамма жойда изчил татбиқ этилтишти? Агар қону бузилиш ҳоллари бўлса, бу ҳақда хабар қилинг.

Хуллас, мамлакатимизда амалга ошириляётган иқтисодий ислохотлар ва бозор ўзгар- тиришларининг гоят муҳим устувор йўналишлари бўйича Сизни қизиқтираётган савол- ларга

шу йил 25 февраль кун соат 10.00 дан 12.00 гача

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб- қувватлаш давлат қўмитаси раиси Маҳмуджон АСҚАРОВ
139-21-01 на 139-21-02 телефонлари орқали тўғридан-тўғри жавоб беради.
Агар саволларни олдиндан бермоқчи бўлсангиз, (8-371) 132-10-65, 133-57-98, 133-48-04 телефонлари ёки (8-371) 136-37-85 факс орқали мурожаат этишингиз мумкин.
Интернатдаги манзилимиз: E-mail: xalksuzi@uzpak.uz.

ИСЛОҲОТЛАРДАН МАҚСАД: ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИБ, ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИНИ ЯХШИЛАШ

Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг ҚАРОРИ

2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги палатпартишликни тугатиш ва, биринчи навбатда, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг ролини кучайтириш;

хусусийлаштиришда расмийлаштирилган реал хусусийлаштиришга ўтиш, хусусийлаштирилган корхоналарнинг устав сармоясида давлатнинг улушини тубдан қисқарттириш, бошқаруving корпоратив тизимини мустақамлаш, акциялаштирилган жамиятни бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш, хўжалик бирлашмаларининг корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашшини тугатиш;

қишлоқда бозор муносабатларини чуқур жорий этиш, бозор хусусиятига эга бўлган ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолиятининг эркинлигини чекламайдиган принципал жиҳатдан янги баҳолаш мезонларига ўтиш, қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимини тубдан қайта қуриб чиқиш;

иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб ўсишини таъминлаш, қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш, инфляция даражасини кескин қисқарттириш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш; солиқ-бюджет соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш, давлат харажатларини сарфлаш механизминини мақбуллаштириш ҳамда уларни қисқарттириш;

республика ҳудудига истеъмол товарлари ноқонуний, контрабанда йўли билан олиб келинишига йўл қўймашлик, товарларни республикада ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш ва шу асосда ички истеъмол бозори тўқилтирилишини таъминлаш, савдонини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш;

валюта бозорини янада эркинлаштириш, жорий операциялар бўйича миллий валютанинг эркин конвертацияланишини таъминлаш;

Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш давом эттириш, ишчи кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, касб маҳоратини ўстиришни рағбатлантириш бўйича яхлит тизимни яратиш;

қабул қилинган ижтимоий дастурларни, биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини аниқ тарзда қўллаб-қувватлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, "Обод маҳалла йили" ва бошқа дастурларни рўёбга чиқариш асосида аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг таъсирчанлигини ва аниқ тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш;

4. Давлат мулки кўмитаси (Асқаров), бошқаруving тармоқ органлари раҳбарларининг эътибори хусусийлаштирилган кейинги даврда корхоналар фаолияти, давлат мулкдан фойдаланиш самардорлиги устидан зарур назоратнинг мавжуд эмаслиги, корхоналарни акциялаштириш жараёнидаги инвенторларни жалб этиш, акцияларни давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятларида давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчиларни танлаш ишларининг суътилтигига қаратилсин.

Хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш масаласида бўйича махсус комиссия (Азимов), Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси вазирликлар ва идоралар билан биргаликда: Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон

иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳолиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сон Фармони талабларини амалга ошириш юзасидан комплекс амалий чора-тадбирлар қўрилишини;

хусусийлаштирилган корхоналар, акцияларида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари, ишончли бошқарувчилар ва давлатнинг ишончли вакиллари фаолияти устидан 2003 йилнинг биринчи чора-тадбирлар мониторинг тизими жорий этилишини;

қимматли қоғозлар билан биттишувлар фақат уюшган фонд бозорига тузилшини, савдоларнинг ошқоралиги ва қўлайлигини назарда тутган ҳолда қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш.

Амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида 2003 йил I ярим йилги якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

5. Адлия вазирлиги Давлат мулки кўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига акцияларнинг давлатга тегишли пакетларини хўжалик бирлашмаларининг ишончли бошқарувига бериш амалиётини беқор қилувчи, ишончли бошқарувчиларни тайинлаш тартибини ва уларнинг масъулиятини аниқ тартибга солувчи, хусусийлаштирилган корхонанинг корпоратив бошқариш механизминини аниқ регламентловчи қонунийлик ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузурдаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари кўмитаси (Саидова):

Олий хўжалик суди (Абдуллоев) билан биргаликда Иқтисодий ночор ва зарар қўриб ишлаётган корхоналарни тугатиш ҳамда таркибий ўзгариш бўйича қабул қилинган дастурни сўзсиз бажариш, иқтисодиётнинг реал секторларига молиявий аҳолини соғломлаштириш ишларини фаолаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси билан биргаликда ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги ҳокимият органлари балансида бериш ва тасдиқланган таркибий ўзгариш дастурига эга бўлган корхоналарнинг фойдаланилмаётган қувватларини консервация қилиш, шунингдек зарар қўриб ишлаётган хусусийлаштирилган корхоналар мол-мулкнинг баҳолаш механизминини такомиллаштириш юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Хукумат қарори лойиҳасини киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ер ресурслари давлат кўмитаси, Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришнинг ҳисобга олган ҳолда, бир ой муддатда шартномалар тузилиши ва аниқ субъектлар — қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар ва қишлоққа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида мажбуриятларга риоя этилиши ҳолати устидан пухта текшириб борувчи аниқ механизм барпо этилишини, уларнинг бажарилиши учун масъулият оширилишини назарда тутган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан амалдаги намунавий шартнома-ларга ўзгартиришлар киритсинлар.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлик-ларига, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги 1991 йилгача қурилган кўп квартиралы уйлари мукамал таъмирлаш бўйича йўл қўйилган қолақликни тўлдирини ҳисобга олган ҳолда 2003 йил учун тасдиқланган жадвалнинг, уй-жой фондини таъмирлаш ва сувни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш бўйича топшириқларини таъминласинлар.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари республикага истеъмол товарларининг ноқонуний, контра-

ри барча даражаларда шартномаларнинг сифати ва тузилган шартномаларнинг мажбурий бажарилиши устидан назоратни кучайтирсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маъсум оралиғидаги даврда агротехника ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга доир илғор тажрибани ўрганиш учун фермерларни хоржий мамлакатларга юборишни амалда кент қўласин.

9. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига паррандачиликни ривожлантиришни янада жалдлаштириш юзасидан Хукумат қарори лойиҳасини киритсин, тармоқ корхоналарининг худудлар бўйича оқилона жойлаштирилишини, озуқа базасини мустақамлашни ва маҳсулот етиштириш ҳажминини кўпайтиришни назарда тутсин.

10. Молия вазири М.Б.Нурмурадов бошчилигидаги махсус комиссия жорий йилнинг 15 апрелигача қурилиш қиймати ўсишига таъсир кўрсатувчи омилларни чуқур ўрганиб чиқсин, ўтказилаётган танлов савдолари натижаларини, қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни харид қилишининг шакланган тизимини танқидий баҳоласин ҳамда ушбу масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин.

11. "Давархитектқуриш" кўмитаси (Тохтаев), "Ўзуриллишматериаллари" акциядорлик компанияси (Акрамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тендер савдоларни расмийлаштириш билан ўтказишни бартафавқ этишда, пулрат ишлари бозорини яратишда, нархларни шакллантириш тизимини, ассортиментни янгилашда, маҳсулотнинг импортнинг ўринини босувчи турларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришда илғор ишчиликнинг мавжуд эмаслиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (К.Н.Тўлағанов) бир ой муддатда капитал қурилишдаги ишларнинг аҳолини тубдан ўзгариштириш юзасидан Хукумат қарори лойиҳасини киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимлик-лари билан биргаликда 2003-2005 йилларда қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастурининг мўлжалланган параметрларини танқидий қайта қуриб чиқсин ҳамда ай-тириқча газ ва сув қувурлари тармоқлари билан таъминланганлик даражаси паст минтақаларда уларни ишла туширишни жалдлаштириш юзасидан реал молиявий манбалар билан таъминланган қўшимча чора-тадбирлар қўрсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлик-ларига, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги 1991 йилгача қурилган кўп квартиралы уйлари мукамал таъмирлаш бўйича йўл қўйилган қолақликни тўлдирини ҳисобга олган ҳолда 2003 йил учун тасдиқланган жадвалнинг, уй-жой фондини таъмирлаш ва сувни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш бўйича топшириқларини таъминласинлар.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари республикага истеъмол товарларининг ноқонуний, контра-

банда йўли билан олиб келинишининг олдини олиш масаласи бўйича Давлат божхона кўмитаси бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтирсинлар.

15. Вазирлар Маҳкамаси жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якунлари бўйича улгуржи ва чакана савдон тартибга солишга, республика ҳудудига улгуржи базалар, дўконлар, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғини ривожлантиришга қаратилган қабул қилинган Хукумат қарорлари бажарилишини кўриб чиқсин ҳамда зарурат бўлганда тегишли тузатишлар киритсин.

16. Қуйдагиларнинг: "Қумир" акциядорлик бирлашмаси (Клименко), "Махсусқотишма" республика ташкилоти (Шарипов), "Ўзашсанот" уюшмаси (Набиев), "Ўзкимёсанот" (Ҳасанов), "Ўзбекнефтгаз" (Мажитов), "Ўзбекенилсанот" (Исмоилов) компаниялари раҳбарларининг эътибори — корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришда ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг йўқлиги, экспортга маҳсулот етказиб бериш прогноз ҳажмлари таъминланмаганидир;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси (Тангирбергенов), Андижон (Обидов), Бухоро (Хусенов), Наманган (Жабборов), Самарқанд (Мирзиёев), Тошкент (Мирзақуллов), Фарғона (Отабоев) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (Шоабдурахмонов) ҳокимларининг эътибори — коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасида рақобат муҳитини яратиш, қарзларни камайтириш ишларининг етарли эмаслигига қаратилсин.

Қурилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида 2003 йил биринчи ярим йилгидаги иш якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

17. Икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири У.Т.Султонов бошчилигида республикада кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг яхлит тизимини барпо этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқсин бўйича махсус комиссия ташкил этилсин. Ушбу комиссия таркибига ўзи ходимлари малакасини оширишдан бевосита манфаатдор бўлган уюшмалар, корпорациялар, концернлар, компаниялар, бошқа хўжалик бирлашмалари ва корхоналарнинг, шунингдек кадрлар малакасини ошириш ва уларни ўқитиш жараёнини ташкил этишни таъминлашнинг мумкин бўлган ташкилотларнинг вакиллари киритилсин.

Комиссия: икки ой муддатда кадрлар, энг аввало ишчи кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоғини барпо этиш ва унинг самарали ишлаши юзасидан аниқ дастурни ишлаб чиқсин; кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг жараёнига Ўзбекистонда ҳозир бўлган йирик хоржий компанияларни ҳамда бошқа хоржий шерикларни, шунингдек халқаро молиявий тузилмаларнинг грантлари ва техник ёрдамини жалб этиш юзасидан фаол иш олиб босин.

Амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида 2003 йилнинг биринчи ярим йилги якунлари бўйича ахборот берилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат тест маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

ҳокимликлари республика комиссияси ва минтақавий комиссиялар тузилсинлар ва икки ой муддатда:

махсус ишлаб чиқилган тест дастурлари асосида халқ таълими вилоят бошқармалари, туман ва шаҳар бўлимлари ходимларини аттестациядан ўтказсинлар ҳамда аттестация натижаларига кўра уларнинг профессионал таркиби кўчатирилишини ва контракт асосида янги меҳнат шартномалари тузилишини таъминласинлар;

умумтаълим мактаблари ўқитувчилари таълим ва касб даражасининг ўқитувчиларга қўйилган талабларига мувофиқлигини, уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари ва касб тайёрлигини оширишлари учун шарт-шароитлар ва рағбатлар мавжудлигини ўрганиб чиқсинлар. Урганиш натижаларига кўра ҳар бир мактаб, туман ва минтақа бўйича вузудга келган аҳолини яхшилаш юзасидан тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар;

педагог кадрларнинг асосий фаолияти, қайта тайёрлашдан ва малака оширишдан ўтиши натижаларига кўра уларга тоифа бериш механизми бўйича таклифлар киритсинлар. 19. Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекс (Кароматов), Ахборот-таҳлил бошқармаси (Хўжаев), "Ўзтелек" компанияси (Кўчимов), Матбуот ва ахборот агентлиги (Шоғулмонов) мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш жараёнидаги оммавий ахборот воситаларида ҳолисона, малакали ва чуқур ёритиш мақсадида:

ушбу ишга вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари ва етакчи мутахассисларини, фан ходимларини ва жамоатчилик вакилларини кенг жалб этишсинлар;

ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ихтисослашган журналистлар учун мунтазам равишда семинарлар ташкил этишсинлар, уларни тегишли статистика маълумотлари ва бошқа маълумотлар билан таъминласинлар.

20. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Бегалиев), "Ўзгапромсервис" уюшмаси (Нишонов), "Ўзқишлоқхўжаликмашхотдин" компанияси (Матчочов) 2003 йил 15 мартгача баҳорги дала ишларини ўтказиш учун зарур бўлган барча қишлоқ хўжалиги техникаси, 1 майгача эса — ғалла ўрим-йиғим комбайнлари ва чорва озуқаси йиғитириш техникаси тайёрлаб қўйишини таъминласинлар.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги эски маъсулоти бошланғичда қадар коллектор-дренаж ва суғориш тармоқларини тозалаш ва таъмирлашни, насос станцияларини ва гидротехника иншоотларини таъмирлашни тугаталсин.

"Ўзпахтасаноат" уюшмаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги гузани жойлаштиришнинг тасдиқланган схемасига мувофиқ жорий йилнинг 1 мартгача юқори классли уруғлик чигит тайёрлаб қўйишини ва уларнинг ўз вақтида сифатли дориланишини таъминласинлар.

21. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири У.Т.Султонов зиммасига юклансин.

Ушбу қарорнинг бажарилиши йилнинг ҳар чорагида ҳамда 2003 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2003 йил 17 февраль.



Мирзо Бобур Ватани — Андижонда «Баркамол авлод» спорт мусобақалари иштирокчиларини кутиб олишга қизғин ҳозирлик қўримоқда. Жумладан, бу ерда бир неча спорт-соғломлаш-

тириш иншоотлари барпо этилаётган. Айни кунларда курувчилар жаҳон андозаларига мос бўлган ва 20 минг ўринга мўлжалланган стадион қурилишини давом эттирмоқдалар. Уларнинг

мақсади барча спорт иншоотларини мусобақалар бошлангунга қадар сифатли топиришидир.

СУРАТДА: тажрибали монтажчи Эркинжон Доимов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ислом КАРИМОВ:

Барчамиз оддий бир ҳақиқатни асло унутмаслигимиз лозим: фақат мунтазам изланиш, биринчи навбатда ўзимизга, сўнгга эса бошқаларга нисбатан доимий талабчан бўлишгина бизни ривожланган илғор мамлакатлар даражасига олиб чиқади.

ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ

янада тўлароқ таъминлиниши, товарлар барча ҳудудларга бир текис етказилиши учун нималар қилиш керак?

Инсон бу дунёда яшар экан, овқатланиш, кийиниш, рўзгор юритиш учун муттасил ўз эҳтижини қондириб келади. Шу маънода учун сотиб олинган нарсалар дунда қилиб «халқ истеъмоли моллари» дейилади. Улар билан таъминлиниш ҳолати, маълум маънода, фаровонлик даражасини белгилайди.

Хўш, бизда аҳолига истеъмол моллари етказиб бериш қандай йўлга қўйилган? Манзара равшан бўлиши учун бу соҳа шўро даврида марказлашган тақсимотта асосланганлигини эслашга тўғри келади. Мустабид замонда халқ истеъмоли моллари ихтисослашган базалар орқали тақсимлиниб, ўзимизда тайёрланган маҳсулотни харид қилиш учун ҳам «марказ»нинг ижозати зарур эди. «Дефицит» нима эканлигини ўшанда билгандик.

Мустақилликка эришганимиздан кейин эски тизимдан воз кечдик, аввалти базалар бозор иқтисодиёти талабларига мўнаанд, мулк шаклини ўзгариштириб фаолият юрита бошладик. Чакана савдо корхоналари хусусийлаштирилди. Дастлабки пайтда дўконлар маркетинг ва конъюнктура масаласида қийинчиликларга дуч келишди. Айрим сотувчи ва тадбиркорлар пештахтага халқ учун зарур молларни эмас, ўзлари топган буюмларни қўйишди. Бундай иш тугиш, табиийки, халқ эҳтиёжларига жавоб бермайд.

Кун тартибига ички истеъмол бозорини тўлдирish, ўзимизда ишлаб чи-

қарилган молларни мамлакатнинг барча ҳудудларига бир текис етказиш масаласи қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Улгуржи савдо корхоналарини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори айнан шу мақсадларга қабул қилинди. Мазкур ҳужжатта биноан, «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияларининг улгуржи савдо тармоғини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқулланди.

Икки оғиз сўз улгуржи савдо тармоғи ҳақида. Юқорида тилга олинган акциядорлик компаниялари ҳар бир вилоятда ўртача учтадан (жамми олтидан) моддий-техника базасига эга, устав фонди шаклланган, молиявий барқарор бўлган мавжуд улгуржи савдо корхоналари негизда улгуржи базалари ташкил этиди. Мазкур базалар чакана савдо корхоналарига озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил саноат моллари ва енгил саноатта кирмайдиган ноозиқ-овқат товарлари етказиш билан шуғулланиди.

Маълумки, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхона маҳсулотини аҳоли қўлига етиб борувчи қанча кўп воситачидан ўтса, нархига-нарх қўшилса бораверади. Биз сўз юритаётган қарорнинг асл мақсадларидан бири оралиқдаги халқларни қисқарттиришдир.

Айни пайтда ҳукумат улгуржи савдо корхоналарининг асосий вазибаларини белгилаб берди. Агар қарорни диққат би-

лан ўқисак, чакана савдо корхоналарига қанчалик қўлай шaroит тугдири-лаётганини англаймиз. Демак, улгуржи савдо корхоналари, аввало, халқнинг ҳаётий эҳтиёжларини ўрғанади. Кейин муайян ҳулоса асосида саноат корхоналарига чиқарилади. Улгуржи савдо корхоналарини мамлакатимиз барча ҳудудларида бирдай ташкил этишининг асосий сабаби ҳам халқ истеъмол моллари ҳамма жойга бир текис етказилишини таъминлашдир. Бозор муносабатларининг табиати, ҳукуматимиз юритаётган одилона сиёсатининг талаби шунини таъқозо этмоқда. Улгуржи савдо корхоналари вазибаларига зарур заҳира яратиш, товар сифатининг назоратини таъминлаш, маъсумий ярмаркалар уюштириш кабилар ҳам кирди. Қўзда тутилган мақсад шуки, чакана савдо корхоналари мазкур базалардан товарларни танлаб олиш имконига эга бўлсин.

Қарорнинг 7-бандида баён этилган қўрсатма бўйича улгуржи савдо корхоналари қўйилган қий-мат солиғи тўлашдан овоз этиладилар. Демак, маҳсулот нархини арзонлаштириш учун яна бир имконият берилмоқда. Бундан, аввало, халқимиз манфаат қўлади.

Халқ манфаати — олий манфаатдир. Ушбу қарорнинг ҳаётга тўлиқ таъбиқ этилиши юртимиз фаровонлигига эришиш йўлида муҳим босқич бўлиши турган гап.

Шўхрат ЖАББОРОВ.

Эрталаб. Соат етти билан саккизининг орасида. Саккизинчи трамвай ҳар доимгидек тиқилди. Ҳамма ишга шоган пайт. 20-22 ёшлардаги соғом, бақувват йигит — кондуктор тик турган йўловчиларни туртиб-суртиб, ўзига йўл

Табиатим шунақа. Худди шу ерда одамлар отахонни ҳимоя қилишлари, ҳайдовчини тартибга қақчиришлари керак эди. Биз жамоат назорати деганда шуну тушунамиз. Амалда нима бўлди? Кўпчилик тўғри гапни айтган одамга

бир тийинига хиёнат қилмасди. Колхознинг тахта-ёғоч омборида қоровул бўлиб ишларди. Қараса, бир куни кечаси раисга, эртаси ҳосилотга, учинчи куни бош бухгалтерга деб машина-машина тахта-ёғочлар ноқонуний равишда олиб чиқилиб кетилгаварибди. «Бу нима қилганла-

ёнма-ён яшашди. Лекин улар сизу биздан «сал» бошқачароқ. Аввало, эл-юрт манфаатини ўйлашди. Кўпчилигимизнинг қон-қонимизга сингиб кетган «ўзингни бил, ўзгани кўй» мақоли уларнинг душмани. Оилада, кўча-кўйда, маҳаллада, ишхонада, жамоат транспортда — хулласки, қаерда нуқсон, камчилик кўришса, уни тузатиш пайдани билмади. Яъни инсоф диёнатлари бизниқилдан бутроқ. Биз эса уларни кўпда хушлай-вермаймиз. Ҳамма ишга бурун суқиб юришди, деб жадимиз чиқади. Ошга тушган пашша, дея таърифлаймиз. Барча хатти-ҳаракатлари, айтаётган гап-сўзлари, фикрлари бизнинг фойдамизга қаратилганини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Фараз қилайлик, ўн сўм кам берсак, кондуктор бизга чипта бермайди, қолганини ёнимдан тўлайманми, дейди. Шундай экан, нега у ҳар биримиздан ўн сўмдан юлиб қолаверинчи керак? Ахир ўша пуллар давлатнинг газасига эмас, балки ўзининг чўнтагига тушади. Урта ҳисобда у юз нафар йўловчидан олиб қолганда ҳам, ҳар куни минг сўм ишлайди. Бу рақам ўттиз кунда ўттиз минг сўм бўлади. Биз эса ўн сўмга ҳам тортишиб ўтирамизми, деб андиша қилган бўламиз. Ҳеч бўлмаганда, бизнинг фойдамизни ўйлайдиганларнинг ёнини ҳам олмаймиз.

Бугун Ўзбекистон бозор шариоатида ривожланаётган бир пайтда давлат, жамият ва эл-юрт манфаатини юқори кўядиган, ҳаётимизга ёт бўлган турли иллатлар билан чиқиб-қолмайдиган — «биз ёмон кўрадиган одамлар» ниҳоятда зарур. Улар бор экан, фазилатлар кўпайиб, иллатлар барҳам топаверди. Улар бор экан, юлғичлар хавотир-ҳадиқда бўлишди. Улар қанча кўпайса, тараққиёт ҳам шунча жаддалашди. Эл-юрт учун курашини улардан ўрнинишимиз ва уларнинг борлигини кувонишимиз керак.

Гулҷеҳра ЙЎЛДОШЕВА, «Халқ сўзи» муҳбири.

Бефарқ бўлолмайдиган одамлар

Бугуннинг гапи

очиб чипта сотиш пайди. Ора-орада ҳайдовчи микрофон орқали гапириб кўяди: трамвайда чиқётгану тушаётганлар, чипта олишни унутманг, ўзингизга инсоф берсин.

Унинг навбатдаги илтимосига жавобан олд ўриндикда ўтирган кексароқ кишининг салобатли овози эшитилди: бизда-ку инсоф бор-а, лекин кондукторингда инсоф йўқ экан, ўғлим. Охирги бекат-Бешқайрағочдан чиқиб, кузатиб келяпман. Ҳар бир чипта ҳисобидан 10 сўмлик қайтимни уриб қоляпти шоввоз. Унга ҳам инсоф тилаб қўйсанг бўларди.

Отахон гапини тугатиши билан трамвай шартта тўхтади-ю, ҳайдовчи ўрнидан туриб дағдага қила кетди: қайтимга майда йўқ бизда. Ҳақингизни билар экансиз, майда беринг. 50-60 йўловчининг ҳар бирига ўн сўмдан қайтимни қайдан топамиз? Сиздан бошқа ҳеч ким бу гапни айтганни йўқ. Миангиз ё сквознякда қолган ёки йиқилиб-миқилиб тушганга ўхшасиз. Кароче, гапингизни қайтиб олинг, отам.

— Ҳов бола, гапингни сен қайтиб ол, хўпми, кўппа-кўндуз кўни одамларни шилгани уялмайсанларми? Яна сиздан бошқа ҳамма жим ўтирибди, дейсан. Ўтирса ўтирар, лекин сенларнинг қилаётган ишларининг кўриб мен тек ўтиролмайман, билдингми?

танбех бера бошлади:

— Мунча ўн сўмга паст кетдингиз, ўша билан бо-йиб кетармидик?

— Майда йўқ бўлса, ҳайдовчи билан кондукторда нима айб?

— Кап-катта киши арзимаган нарсалардан жанжал чиқариб, бир трамвай одамни қайтариб олиб ўтирибди-я...


«Ўлзор» бекатида отахон трамвайдан тушиб кетгач, унинг шаънига сўнгги гап айтилди:

— Мен бу сассиқ чол билан битта маҳаллада турман, — деди ўрта ёшлардаги бир аёл. — Онанининг қорнидан жанжал истаб тушган. Ундан ҳамма безор. Кеча маҳалла кўмитасига чиқиб, оқсоқолнинг ёқасидан олибди. Нега ўзига тўқ оилага ёрдам пули берасану, бошида эри йўқ фалончига қиё ҳам боқмайсан, деб. Санга нима-а, кимга берса берар. Жимгина уйингда ўтир, обло-худо, деб.

Фаргона вилоятининг Олтиариқ туманида Хусанбой исмли бир киши яшарди. Жойи жаннатда бўлсин унинг. Оилада шунақа тарбия олганми ёки ўрта мактабни битириб ўқушга кетиб, беш йил қон кечиб юргани учунми, ҳар ҳолда ўта ҳалол эди. Бировнинг

ринг?» эътироз билдирса, сен кимсан, бир қоровул, катталарнинг ишига аралашмай кўзингни юмиб ўтиравсанг-чи, дея койишибди. Хусанбой ота кўзни юмсаям, кўнглини тинчитолмади. Яширинча олиб кетилган маҳсулотлар ҳажми, улар ортилган машина номери ва ҳайдовчининг исми-шарифини ёзиб, туман прокуратурасига мурожаат қилади. Текшир-текшир бошланади. Оқибат шу бўладики, раҳбарларга «туҳмат» қилгани учун қоровулнинг «калишини тўғрилаб» қўйишди. Устига устак, маҳаллада «ёзувчи» деган лақаб ҳам ортириб олади. Кўп идораларга югуриб ҳақини исботлай олмай, асаблари қақшаб оғир хасталикка дучор бўлади. Ошана-огайнилари ўшанда унга пенсия тўғрилаб беришса, у мен буни нолийқман, давлатга нима иш қилиб бердимки, пулини ёё ётсам, деб ундан ҳам воз кечган экан.

Кеча трамвайга чиқсам, йўл ҳақи юз сўм бўлибди. Бирхитиёр бундан деярли мен ой аввалги воқеани ва ҳалолу диёнатли қарияни ҳамда Хусанбой отани эслаб кетдим. Уларга ўхшаган одамлар кўп бўлмасалар, бор ва сизу биз билан



Гавҳар РАҲИМОВА

ХИТОЙ ҲУКУМАТИНИНГ БЕГАРАЗ ЁРДАМИ

Сўхбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг изчил ривожланиб бораётгани таъкилланди. Мазкур соҳадаги ҳамкорлик истиқболига оид масалалар уювчиларидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқалар кўламини кенгайтириш мақсадида Хитой ҳукумати томонидан Ўзбекистонга 5 миллион юан (600 миң АҚШ долларига тенг) миқдорда бегараз ёрдам ажратиш тўғрисида алмашув ноталари имзоланди.

(Ў.А.)

сифатида ишга қабул қилинди.

1930-1940 йилларда Г.Раҳимова бадий жамоалар таркибиде Катта Фарғона канали ва бошқа йирик қурилишларда ўз санъатини намойиш этди. Иккинчи жаҳон уруши даврида мингдан зиёд концертда иштирок этди.

Г.Раҳимова Ўзбекистон давлат филармониясининг дуторчилар, «Лазги» каби ансамблларининг ташкилотчиси, бадий раҳбари ва бош балетмейстери сифатида ўзбек миллий рақс санъати ривожига улкан ҳисса қўшди. У саҳналаштирган «Лазги салом», «Кўзим қароғи», «Андижон самоси», «Ўзгал Фарғона» каби рақслар,

хоразмча лапарлар ўзбек санъати хазинасидан ўрин эгаллаган.

Г.Раҳимова кўп йиллик самарали ижодий фаолияти давомида юзлаб ёш истеъодларга устозлик қилди.

Таниқли санъаткорнинг санъат ва маданиятимиз рағнақи йўлидаги хизматлари муносиб баҳоланди. У «Ўзбекистон халқ артисти» унвони, «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган эди.

Ўзбек рақс санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшган устоз санъаткор, аjoyиб инсон Г.Раҳимова-нинг порлоқ хотираси қалбимизда ҳамيشа сақланиб қолади.

Маданият ишлари вазири.

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Метродаги террорчилик

Жанубий Кореянинг пойтахти — Сеулдан 200 километр узоқликда жойлашган Тэгу шаҳри метросида кучли ёнғин содир бўлди. Унинг оқибатида юздан ортқ киши ҳаётдан кўз юмди, 128 нафардан зиёд киши жараланди.

«ИТАР-ТАСС» агентлигининг маълумотига кўра, шифохоналарга келтирилганларнинг кўпчилиги оғир аҳволда. Полиция ўрта ёшдаги бир кишини ҳибсга олган. Гувоҳларнинг айтишича, айнан шу киши ўтаётган поездга тез ёнғичан модда солиingan қутқичани отган.

Муддат узайтирилади

Грузия МДХ тинчликпарвар кучларининг Абхазия зиддият зонасидаги иштирокини узайтиришга қарор қилди. Бунга Ҳамдўстлик мамлакатларининг илтимоси сабаб бўлди. Грузия ташқи ишлар вазири Ираклий Менагарияшвили матбуот анжуманида ана шу ҳақда маълум қилди, деб хабар беради «РИА «Новости» агентлиги.

Долли музейга қўйилади

Ер юзюда биринчи клонлаштирилган Долли исмли қўнчоқнинг жасади ўрганиб чиқилганидан сўнг тулум қилиш режалантирилмоқда. Долли ўпка касаллиги туфайли ўлган эди. Унинг тулуми Шотландиянинг Эдинбург шаҳридаги Миллий музейда намойиш қилинади.

«Лента.ру.»нинг маълумотига қараганда, танқидчилар Доллининг ўлиmidан сўнг клонлаштирилган барча жонивор ва одамлар ҳаёт кечира олмайди, деган фикрни илгари суринмоқда. Лекин Иан Вильмут исмли профессор қўнчоқ бошқа жониворлар билан бирга яшганда касалланганини айтган.

Хавфсизлик чоралари кучайтирилди

Чехияда террорчилик амалга оширилиши эҳтимоли туфайли хавфсизлик чоралари кучайтирилди.

«Шаҳарларда патрул хизмати учун республика ҳукумати 2,5 миңдан зиёд ҳарбийларни жалб қилишга розилик берди, уларнинг аксарияти ҳарбий полициянинг сержант ва зобитларидир» — дейилади Чехия Бош вазири матбуот котиби Анна Старкованинг маълумотномасида.

«ИТАР-ТАСС» агентлигининг хабар беришича, хавфсизлик чоралари, айниқса, Прага гради, Чехия армиясининг Бош штаби, пойтахтдаги «Рузина» халқаро порти ва бошқа муҳим объекتلарда кўриломоқда.

Шартнома имзолангунча...

Туркия ташқи ишлар вазири Ясар Якис агар Ироқда уруш бошлангудек бўлса, Туркия кўриши мумкин бўлган зарарини қоплайдиган молжавий ёрдам ҳақидаги шартнома тузиламагунча АҚШ қўшинларига ўз худудларини оммасизлиги маълум қилди.

«Рейтер» агентлигининг маълумотига кўра, АҚШ ўз қўшинларини зудлик билан жойлаштириш учун парламентнинг розилигини талаб қилмоқда.

«Биз қонун лойиҳасини парламентга юборини масаласини шартнома имзоланганидан сўнг кўриб чиқамиз» — деди Якис «Anatolian» давлат ахборот агентлигига берган интервьюсида.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 18 февралдан ошиб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шуниқидек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	569,27	1 Исландия кронаси	12,37	1 Швейцария франки	701,15
1 Англия фунт стерлинги	1546,39	1 Канада доллари	632,05	1 ЕВРО	1032,21
1 Дания кронаси	138,95	1 Хитой юани	116,37	10 Жанубий Корея вон	7,97
1 БАА дирхам	262,26	1 Малайзия ринггити	253,52	10 Япония енаси	79,91
1 АҚШ доллари	963,24	1 Польша злотийси	249,58	1 Россия рубли	30,43
1 Миср фунти	175,77	1 СДР	1320,05	1 Украина гривнаси	180,58
		1000 Туркия лираси	0,58		

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ТАШКИЛОТЛАР ВА ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ТУРОН» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

ва **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИАА «ЎЗБЕКТЕНДЕРКОНСАЛТИНГ»** агентлиги

КОМПЬЮТЕР ЖИХОЗЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун «Ўзбектендерконсалтинг» агентлигига мурожаат қилиш мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, «Буюк Ипак Йўли» кўчаси, 75-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги биноси. Телефонлар: 68-75-10, 68-25-51, факс: 68-75-96.

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК «Lok Kolor Sintez» QK

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНА

Лак-бўёқ маҳсулотлари

Таклиф этади:

Қурилиш эҳтиёжлари учун:

- ✓ уй ичларини бўяш учун акрил вододисперсион бўёқлари;
- ✓ ташқи деворлар учун бўёқлар;
- ✓ том учун бўёқлар;
- ✓ алкид ва акрилат эмаллари;
- ✓ полларни бўяш учун бўёқлар;
- ✓ ёғоч ва бўялган юзаларни қоплаш учун лаклар;
- ✓ мебель учун рангли лаклар;
- ✓ грунтотка ва шпатлевкалар;
- ✓ L 80, 100, 120мм.ли михлар;
- ✓ эмульсиявий, силикатли елим.

Саноат эҳтиёжлари учун:

- ✓ универсал алкид бўёқлари;
- ✓ том учун бўёқлар;
- ✓ алкид-уретан эмаллари;
- ✓ акрилат эмаллари;
- ✓ мебель учун рангли лаклар;
- ✓ грунтотка ва шпатлевкалар.

Сифатли хорижий хомашёдан тайёрланган, конструкцияларни қўлда ёйсимон пайвандлаш учун мўлжалланган

MP-3 русумли ЭЛЕКТРОДАЛАР

Ўзи ишлаб чиқарган тикувчилик маҳсулотлари ИШ КИЙИМЛАРИ:

- узун энгли эркаклар иш костюми;
- калта энгли эркаклар иш костюми;
- эркаклар ярим комбинезони;
- аёллар ярим комбинезони;
- аёллар иш бермудалари;
- аёллар иш фартуклари;
- эркаклар учун иссиқ иш куртқалари;
- йўл хизмати ходимлари жилети;
- аёллар тиббий халати;
- эркаклар тиббий халати;
- эркаклар иш халати;
- ошпазлар куртқаси;
- ошпазлар бош кийими;
- ички кийимлар;
- қўлқоплар,

шунингдек, мижозлар буортмасига кўра, бошқа маҳсуот кийимлар.

Кўрпа-ёстиқ буюмлари:

- кўрпа жилдлари;
- чойшаблар;
- турли ўлчамли ва рангли ёстиқ жилдлари;

шунингдек:

- дастурхонлар;
- дастурхон ва 6 та ип газламали салфетка;
- ип газламали салфетка;
- 85x50 ўлчамдаги сочиқлар.

Тошкент ш., «Фарғона йўли» к., 13/22. Телефонлар: (998-71) 191-47-41, 191-80-94. Факс: (998-71) 191-74-63. E-mail: lokcolor@online.ru Web site: kompass.com

Санъатга бахшида умр

Николаш маросими адогига етди. Харчанд яширишларига қарамай, келин-куёвларнинг юз-кўларидан бахт ёққан олов лувлаб турарди. — Ана энди маза қилиб бу ажойиб кунни нишон-лаймиз. Сизларга музхонада музқаймоқ, қозонда эса девзира ош мунтазир турибди, — деди уларни ташқарида кутиб турган келиннинг яқин дугонаси. — Қани, Адхамжон, Озодаҳонни олиб дарров машинага чкинглар. Бўй-бастингизни бизнинг уйдагилар ҳам бир кўриб қўйишсин, — деди муло-йим кулганча келинпошшанинг олеси. — Тошкент-лик куёвими қанақанги йигит экан, дея кўни-кўшининг кўзи тўрт бўлиб кетди...

қилган тоат-ибодатимиз уч пул бўлади. Газни сал босиб ҳай-данг. Нима бало, холамлар сизга бош қоронги бўлганга далангиз қасосдан тун гушти харид қилганим, дейман... — Сабр баччам, сабр дар-кор. Машина айропланмас-ки, «ғув» этиб осмонга уч-сам. Мана, Ховос, сўгин Гу-листон... ..Кук тоқиди илк юлдуз-лар им қоққанда улар ша-ҳарга кириб келишди. Игна учида Утирган ҳамкасблари таъна ўрнига уларни чапкак билан кутиб олдилар. Бўса-лар, табриклар, суриштири-

ститутни тугаллаб, бир жа-моада меҳнат қилаётган 15 нафар собиқ талаба меҳнат-ни, ижодни, ўзлигини, иқти-дорини намоян қилиш учун уйқудан, ҳаловатдан воз ке-чиб ишлашарди. Адхамжону Озодаҳонларнинг мўъжаз хо-надонларидан ярим тунда ҳам чирок ўчмасди. Уша уйқу-сиз тунлар, уша изланишлар туғайли уларнинг ҳар бири «Неварали келин», «Ричард III», «Алишер Навоий», «Чорбоғдаги ҳангомалар», «Қарвон бехатар бўлмас», «Қаердасан, жон болам», «Кизи борнинг нози бор»,

син, деб бу кишига энг ол-динги қатордан жой олиб бе-рибман, — дея қулади опа-сини кучоқлаб Озодаҳон. Хайриятки, йиллар ўтган сайин уларнинг ишига, тур-мушига яқинлари кўникиб кетишди. Қўш қабулгардай турмуш кечираётган, фарзандлар ўстираётган, саҳ-нада ўнлаб сиймолар яратаётган эр-хотин ҳаётда иноқ жуфт эканлиги алла-қачон ойдинлашиб бўлган. Озодаҳоннинг жарангдор овози бор. У қўшиқ куйла-ганда юзлаб томошабин тўпланган залга сукут чўма-ди. Ким билсин, балки шу ту-файли республикамизнинг кўплаб кўзга кўринган дра-матурглари муслиқ асарлари-ни илк бора Олим Хўжаев но-мидаги Сирдарё муслиқ ва драма театрида намойиш эти-лишига роийш билдиришди. Бундан бир неча йил му-қалдам Озодаҳон Абдуллае-вага театрдиги самарали ме-ҳнати учун давлатимизнинг «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» юксак ун-вони берилган эди. Ана шун-дай эътиборга Адхамжон Аб-дуллаев ўтган йили муносиб кўрилди. Шу тариха бир оилада бирварақайга икки инсон хизмат кўрсатган ар-тист бўлди. Улар Гулистонга йигирма беш нафар бўлиб келинган-ди. Кимдир узрли сабаблар билан, кимдир эса чўш ша-молларини ўзларига маъқул келмаган шарафдан беэиб Тошкенту ўш виллоятларига кетиб қолдишди. Гулистоннинг сувини бир-роз шўр, ерини зах, дейиша-ди. Яна бу шаҳарнинг қиши-ни ҳам қаттиқ, дейишади. Аммо Адхамжону Озодаҳон-лар бу таърифларни эшитиш-ни истамай, қўллари билан қулқуларини бекитиб олиша-ди. Негаки, улар саҳнада мана шу шаҳар одамлари, мана шу юрт кишилари учун бири То-ҳир, бири эса Зўхро бўлиб ишқ розини айтишган. Улар айнан шу саҳнада томоша-бинлар билан ҳаёт ҳақида, яшаш ҳақида, умр мазмуни ҳақида йиллар давомида баҳс-лашиб келишмоқда.

UNESCO UNFPA National Project Adviser - UZB 02-01-03 IEC and Population Policy Support to Reproductive Health Programme in Uzbekistan

The United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization (UNESCO) Office in Tashkent is looking for a National Project Adviser (NPPA) to provide technical and conceptual guidance, coordination and monitoring support for the joint UNESCO/UNFPA project on Information, Education and Communication (IEC) and Population Policy Support to Reproductive Health Programme in Uzbekistan in general. The National Project Adviser is expected to work as part of an international and national multi-disciplinary and multi-media team under the direct guidance and supervision of the UNESCO Representative for Uzbekistan. The main purpose of the post relates to coordinating of Project activities to promote and implement the activities in the field of reproductive health.

Qualifications/Requirements Education: University Degree in Social Sciences/Social Work, Communication/Journalism or Public Health. Work Experience: At least three years of professional experience in programming and promoting reproductive health, gender equality and rights, HIV/AIDS and STI awareness and healthy life-styles and including mobilization of civil society or social welfare. Languages: Fluency in English, Uzbek and Russian. Other skills: Good judgement, initiative, high sense of responsibility, organizational, negotiating, communication, analytical and report-writing skills. Ability to draft routine correspondence independently. Ability to prioritise and organise work assignments. Ability to work harmoniously and co-operatively with other colleagues and in the team. Ability to assess and maintain confidentiality. A positive and pleasant disposition towards work responsibility. Computer literacy in Windows Me/2000/XP operation systems; Microsoft Office. Proficiency in data processing is an added advantage.

Period of Assignment: The appointment will be made on a SSA Contract basis, initially for 6 months with possibility of extension depending on performance and availability of funding.

Closing date for Applications: Applications must be submitted within a week from the date of publication of this advertisement to reach the Head of Office, UNESCO Tashkent, 95, Amir Temur Street, Tashkent (Phone: 133.80.10 or 120.71.16) along with curriculum vitae and copies of certificates. Only those who are short-listed for interviews will be notified. UNESCO is a smoke-free environment.

МИРЗА ЧЎЛЛИК ТОҲИР-ЗУХРОЛАР

Бекободга етиб келишгани-да куёв уфққа бош қўйиш учун ўзига алвон нурлардан ёстиқ ҳозирларди. — Озода, иш расво! Бу аҳволда Гулистонга ярим тунда етиб борамиз. Яхши-си, бу ёғига такси олайлик... ..Иул. Унинг теграсидиги ям-яшил дарахлар, жайда-ри тилослар, гарқ пишган ўрикзор кишини бағрига чорлайди. Бироқ бу манза-рага на Адхамжон, на Озо-дахон қиё боқди. Бунинг устига, ҳайдовчи амаки тин-май уларга гап уқтирди. — Ман хапа сизлардан. Охир дунёда касби-кор ками-и? Машшоқлик ҳам юмуш бўлибми-и? Корнингиз оф-котга, эгингиз кийимга ёлчмайди, — деди уларнинг санъат даргоҳида ишлашини билб олган тожик шофёр. — Мисолга манинг қайним-ни олайлик... Газ бўдгага об-фурушлик қилди. Хотини, баччалари ёнига, ойига улганда минг сўм топулар. Иккинчиз эса 300 сўм моё-надор экансу...

шу «вой тоба»лар тугар-ту-гамас, спектакль бошланди. Икки ёш қоракнинг рост-акам қўл ушлашини ана шу кунлардан бошланди. Тўғри, Адхамжону Озодаҳонлар санъат институти, собиқ Тошкент театр ва рассомчи-лик институтида бирга ўқишган, талабаларнинг сер-завқ онларини бирга суриш-ган. Ушунда ҳам Адхамжон сочи тақимини ўпучи Озо-дахонга кўз ташлаб юрар, бўлажақ келинпошша ҳам гап-сўзи уқтам бу йигитнинг бежиз унга ҳада-беҳуда муз-қаймоқ келтирмаслигини, машғулларни чўзилиб кетган-да уни ётоқхонага кузатиб қўйиш учун сабр-тоқат бил-дан кутишининг аси сирини сезиб, илғаб юрарди. Халқда «Эр-хотиннинг уриши — доқа рўмоннинг қуриши» деган ажойиб нақл бор. Аммо икки ёшнинг ури-ши учун, иззат талаб бўли-ши учун на вақтларини, на хо-ҳишларини бор эди. Уша 1975 йилда эндинга ташкил топ-ган театрга асосан ёшлар меҳнат қилишарди. Бир ин-

«Кирол Лир», «Дабдабали тўй», «Тентак фаришталар», «Эркаклари асранг, аёллар», «Илтимос» каби юзга яқин спектаклларда етакчи ва бош ролларни ижро этишди. Оилада бирин-кетин фар-зандлар туғиди. Келиннинг ота-онаси Ушда, Адхам-жонники эса Тошкентда бўлганлиги сабабли, улар-нинг уч фарзанди ҳам грим-хонада ўйнар, шу ерда у-лар, қоровул ҳолаю боғбон амакилар уларга энагалик қилишарди. — Кўчманчи дўлилардан бир туқларнинг ўзгасам, — дерди йигитнинг қариндош-урувлари. — Спектакль бўлмай қолсин, куёвтўра кўз ол-дингда бетона аёлдан муч-чи олса-ю, сен кулиб тура-версан... — дея аччиқлариди келиннинг ҳешу ақрабонали. Иккаласи эса оққунгил қариндошларининг таъна-ларини яйраб кетишарди. — Сизларни театрга олиб борган мен аҳмоқ... — деб кулади Адхамжон. — Яхшироқ томоша қил-

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Кейин ҳамкасбларнинг кўзига қандай қараймиз? Адхамжону Озодаҳонлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

республиканинг турли ҳудудларида мавжуд ишлаб чиқариш объектларини сотиб олишга доир тендерда қатнашиш учун салоҳиятли инвесторларни таклиф этади

Table with 3 columns: Лойиҳа мақсади, Лойиҳа бўйича ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми, Машина-ускуналар ишлаб чиқарувчи. Rows include various industrial and agricultural projects across different regions like Andijon, Namangan, Tashkent, etc.

Аризаларни қабул қилиш манзили: 700084, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 101-уй. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Кичик ва ўрта бизнес бошқармаси. Телефонлар: 137-62-75, 137-63-48. www.nbu.com

Аждолларимиз орзулаб етолмаган истиқлол туғайли қанчадан-қанча тарихий обидаларимиз қайта тикланди. Мукаммал таъмирланиб, қўлтуғ зияратоҳга айлантирилган Кармандағи Қосим шайх Азизон, «Сардоба», Нуротдағи «Чашма» мажмуаларидан юртдошларимиз ва меҳмонларнинг қадами узил-майди.

Эзуликнинг умри узун

Хатирчи туманидаги «Бог-чакалон» ширкат ҳўжалиги ҳудудда жойлашган «Оқма-чи» ёлдорлиги ҳам Буюк Ипак йўли тугунидаги қадим обид-дир. Навоийликлар ана шу қўлтуғ маскани ҳашар йўли билан тиклашга киришдилар. Илм, маърифат ва тижорат манзили бўлган бу қадимжо учун баҳоли қудрат маблағ аж-ратаётганларнинг санои кўп. «Пахтабанк»нинг туман бўли-мидаги махсус ҳисоб рақамига келиб тушаётган маблағлар-нинг кети узилмайди. Эзулик йўлидаги савоб ишга ким ҳам бош қўшмай-ди, дейсиз. Айни пайтда ёлдорлик тарихига оид изла-нишлар ҳам давом этмоқда. Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for SAS TECHNOLOGY. Includes text: ОЗИҚ - ОВҚАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧУН SAS ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ УСКУНАЛАРИ. Хамиртуруш, ун, ўсимлик ёғи, макарон, маргарин, омихта ем, куйиш ва бутлаш ишларини бажариш учун ТЕХНОЛОГИК УСКУНАЛАР. ANA GROUP. Истан булдаги идора - Тел.: (0216) 3117870, факс (0216) 5614114.

Advertisement for TOSHKENT-ZENNER KK. Includes text: Ўзбекистон Республикаси халқини куйиб келадиган НАВРУЗ байрами билан табриқлайди! БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗ МАХСУЛОТЛАРИ НАРХИГА ҚУЙИДАГИ ЧЕИРМАЛАРНИ БЕРАДИ: СОВУҚ ВО ИССИҚ СУВ улчатиқлари - 20 фоизгана; ҲАР ҚАНДАЙ ИССИҚЛИК ИСТЕЪМОЛИ учун ИССИҚЛИК улчатиқлари - 30 фоизгана.

Advertisement for SAIDOVANING. Includes text: «Саноатқурилиш индустрия» АЖ жамоаси бошқарув расиси Аҳроф САЙДОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Ўзбекистон Республикаси Банк-молча академияси жа-моаси «Информатика ва статистика» кафедрасининг му-дирини, техника фанлари доктори, профессор Маҳфуза Зо-кировага акаси Қосимжон ЗОКИРОВНИНГ бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Advertisement for HALK SÖZÜ. Includes text: МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Advertisement for Abbosxon USMONOV. Includes text: Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ. Тахрир хайъати: Э. Болиев (маъсул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир уринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралымов, С. Мухиддинов, Г. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Саидов (маъсул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қашибегенов (бош муҳаррир уринбосари — «Народное слово»), А. Хайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

Advertisement for MANZILIMIZ. Includes text: Манзилими: 700081, Тошкент ш., «Авҳар» к., 122-уй (метрнинг «С.Рахимов» бекати). Телефон: (3712) 79-88-60, тел./факс: (3712) 120-51-90, e-mail: zenner@tshttt.uz

Advertisement for MANZILIMIZ. Includes text: Манзилими: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпов. Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров. Навбатчи — М. Холматова. Мусавҳаҳ — М. Сулаймонова.